

Йозеф К. туш кўрди.

Ажойиб кун эди, у кўнглининг чигилини ёзиш максадида бироз сайр килмокчи бўлди. Аммо икки кадам ташлаши биланок, ўзини кабристонда кўрди. Атрофда саргайган ўт-ўланлар босган, нотабиий сўкмоклар. Йозеф улардан бирига кадам кўйди ва ўзини худди кучли окимга тушгандай хис килди. Бироз узокроқдан хали тупроги куриб улгурмаган, янги, дўппайиб турган кабр унинг эътиборини тортида ва Йозеф ўша тарафга боришга карор килди. Дўмпайган тупрок уюми уни ўзига оханрабодай тортарди. Гоҳида кабр кўздан йўколар, шамолда хилпираётган кандайдир харир мато гоҳ самога кўтарилиб, яна сурон солиб заминга урилиб, уни бекитарди. Матони тутиб турган кўринмас, бирок ўша томондан кувнок товуш баралла эшитилиб турибди. Йозеф олис-олисларга назар солди. Не кўз билан кўрсинки, ортида, йўли устида, ёнида ўралар пайдо бўлибди. У шошиб ўзини четга, майсалар устига отмокчи бўлди, оёклари остидаги ер чайкалиб кетди ва у бир дўмпайган кабр пойига тиззалаб йикилди. Кабр ортида икки киши каттакон силлик тарашланган кабртошни даст кўтариб туришарди. К.ни кўришлари биланок, улар тошни ерга санчишди. Йозеф жойида котди. Жимликни бузиб, кўп ўтмай буталар орасидан учинчи киши хам чикиб келди. К. бу кимсанни мусаввир сифатида яхши танирди. Мусаввирнинг эгнида унинкан шим, охори тўкилган, тугмалари яхши кадалмаган кўйлак, бошида баркут калпок, кўлида оддий калам ушлаб олган ва у юриб келаётуб хавода кандайдир тушунарсиз шакллар чизарди. Мусаввир шу калами билан кабр тепасидаги текис мармарга ёзмокчи бўлди, лекин бунинг уддасидан чика олмади. Тош жуда баландда эди, ўзига тортиб, пастлатмокчи бўлди, аммо харакатлари бесамар кетди. Тошнинг устига чикишни эп кўрмади шекилли, бироз юкорига чўзилди, оёқ учида туриб, чап кўли билан тошга суюнди. У шундай деб ёзди: «Бунда ором олаётир...». Хар бир харф аник-тиник кўриниб турар, олтиндай товланар эди. Дастлабки уч сўзни ёзиб, у К.га караб кўйди, бирок К. ёзилаётган сўзларга ютениб тикилиб турарди; у мусаввирни буткул унуган, кўзини мармардан узмасди. Кутинганидай мусаввир тагин ёзишга киришди, бирок канча уринмасин ёза олмас, унга нимадир халал берарди; кандайдир бош адоги йўк сўкмок пайдо бўлди. Мусаввир каламини сермади ва яна кайрилиб Йозефга каради. Улар бир-бирларига тикилиб колишди, мусаввир аллакандай сабаби ноаён саросималик билан жавдираб бокарди. К.дан бошкалар буни пайкашгани йўк, ёлгиз угина безовталанди, атрофга најотсиз аланглади. Кайсиdir бахтикарога казилган кабр бошида мархумни ёдга олиб, уч дақиқали сукутга ўхшаш жимлик хукм сурди. Сукутни бузишга бирор-бир жонзот журъат кила олмасди. Шу пайт кабристон бутхонасининг мўъжаз кўнгироги bemavrid нола кила бошлайди; мусаввир кўлини силкитди ва кўнгирокнинг уни ўчди. Бирок бироз жимлиқдан сўнг яна чала бошлади, энди секинрок, гўё товушини созлаб олмокчидек тўхтаб-тўхтаб жаранглади. Мусаввирнинг юзлари даҳшатдан кўкариб кетди. Унинг тушуниксиз холатидан К.нинг хислари жунбушга келиб, йиглай бошлади, кўллари асабий титради. Мусаввир К.нинг ўзига келишини сабр билан кутди ва бошка имкон йўклиги боис яна ёзишга киришди. Мармарга чизик тортиди, хунук, беўхшов харф ёзилди. Тошда битта «Й» харфи турарди. Мусаввир жазавага тушиб, оёги билан гўрнинг ичига кириб кетди. Атрофга тупрок тўзгиди. Нихоят, К. хаммасини англаб етди. Уни ортига кайтишига, бу хомсуг эмган бандани афв этишини сўраб тавалло килишга вакт йўк! Кабр яна мато билан копланди. Йозеф бармоклари билан дўмпайган кабрни кавлади, аммо бу ишидан

бирон натижа чикмади. Бирдан заминдан харир, булутдай мато күтарилди. Девор кулаб, туйнук пайдо бўлди. У майин нур окимига чўмди. Бошини пастга эгиб, ер каърига парвоз килди. Юкорида, кабртошда унинг зархал харфлар билан мохирона битилган исми турарди.

Бу манзарадан хаяжони ортган Йозеф К. уйгониб кетди.

*Немис тилидан Вахобжон Кенжаев таржимаси.*